

DOI <https://doi.org/10.30525/978-9934-26-277-7-247>

**CONCEPTUAL MODEL OF ESTABLISHMENT  
AND DEVELOPMENT OF SMALL INDUSTRIAL ZONES**

**КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ**

**Khamrakulov I. B.**

*Teacher*

*Fergana Politechnical Institute*

*Fergana, Uzbekistan*

**Хамракулов И. Б.**

*ўқитувчи*

*Фаргона политехника институти*

*Фаргона, Ўзбекистон*

Республикада барпо этилган ва фаолият юритаётган КСЗлар сони 100 тадан ортиқ. Лекин шу билан бирга уларни барпо этишнинг ягона илмий жиҳатдан асосланган ташкилий-иқтисодий модели ишлаб чиқилмаган. КСЗларни ташкил этишнинг асосий муаммоларига, фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин: айрим ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш бўйича малакали кадрлар етишмаслиги, илғор хорижий ускуна ва технология асосида бизнесни бошлаш учун бошланғич маблағ етишмаслиги (бу муаммо КСЗларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига ҳам тегишли), ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра КСЗларни турларга ажратиш асосида ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган тартиб-қоидаси мавжуд эмаслиги, КСЗлар ичида лойиҳаларни танлов асосида жойлаштиришда уларнинг техник, экологик, иқтисодий ва ижтимоий томонларини эътиборга олинувчи ягона мезонлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги.

Барпо этилган ва фаолият юритаётган КСЗлар тажрибаси ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни назарий жиҳатдан ўрганиш орқали КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ягона моделини ишлаб чиқиш, вужудга келувчи йўқотишларнинг олдини олиш ва юқоридаги муаммоларнинг маълум даражада ечимини топишга олиб келар эди.

### Давлат ҳокимияти органлари



**1-расм. КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели**

Россия Федерациясида индустриал зоналарни ташкил этишда юзага келувчи муаммоларга қуйидагилар киради [2]: ер майдонини олишнинг қийинлиги, транспорт масаласи, инфратузилмани яратиш, энергия ресурсларининг қимматлиги, резидентларни индустриал зонага жалб этиш ва бошқалар. Ўзбекистон шароитида КСЗларни барпо этишнинг концептуал модели 1-расмда келтирилган.

КСЗларни барпо этиш бўйича биринчи тақриф ҳудудларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилиши мантиқан тўғри бўлади. Чунки, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудидаги

зарар кўриб ишлаётган, ночор ва паст рентабелли ташкилотлар, уларнинг бўш майдонлари тўғрисида ва КСЗларни ўз худудида ташкил этишга мос бўш майдонлар тўғрисида аниқ ахборотга эга. Бу ахборотлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қошидаги КСЗларни барпо этиш бўйича ташкил этилган махсус комиссияга берилади. Комиссия ахборотларни қайта ишлаб, уларни экспертизадан ўтказди.

КСЗлар ташкил этилувчи, бўш майдонларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган комиссияга тақдим этилади. Комиссия бу таркибни ўрганиб, зарур бўлган қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ва натижавий таркибни аниқлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат мулки бўлган бўш майдонларда КСЗларни барпо этиш бўйича қарор қабул қилади. Ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан КСЗларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилади. Қарорга кўра қуйидаги ишлар амалга оширилади:

– КСЗлар зарур ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

– КСЗларни бошқариш дирекциялари тузилади.

– КСЗларда тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссиялари тузилади.

Таҳлилий босқич: КСЗ ва ажратилган ер майдонлари таҳлил қилинади. Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра, КСЗнинг ихтисослаштириш имкониятлари таҳлил қилинади. Масалан, озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича, текстиль, трикотаж, тикув, чарм-пойабзал, электр техникаси, электроника, машинасозлик, кимё саноати товарлари, қурилиш материаллари, маҳаллий саноат корхоналари учун бутловчи қисмлар, яримфабрикатлар ишлаб чиқариш, металл буюмлар ишлаб чиқариш бўйича КСЗлар йўналишлари аниқланиши мумкин. КСЗларни ихтисослаштириш ёки тармоқ йўналишларини аниқлаш, биринчидан, КСЗларни табиий равишда кластерлашувга олиб келиши мумкин. КСЗларда экологик нуқтаи назардан, ўзаро яқин жойлаштириш мумкин бўлмаган тармоқларни биргаликда жойлаштиришнинг олди олинган бўларди. Масалан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва кимё маҳсулоти ёки фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин жойлашиши озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига салбий таъсир этиши мумкин. Кластерлашув КСЗ таркибида кооперацияни

ривожлантиришга олиб келади, ягона транспорт хизмати, ягона омборхона, ягона таъминот тизимларини ташкил этиш имконияти туғилади ва булар ҳам КСЗ самарадорлиги ортишига олиб келади. Бундан ташқари, КСЗда суғурта компанияси бўлими, банк бўлими, почта хизмати, экспорт агентлиги бўлими, мутахассис кадрлар билан таъминлаш бўлими, ахборот билан таъминлаш хизмати сингари хизматларнинг ташкил этилиши КСЗнинг ягона тизим сифатида самарали фаолият юритишига замин яратади.

КСЗлари ер майдонининг жойлашувига кўра ишлаб чиқариш тармоқларини танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

КСЗ йирик шаҳар ичида жойлашган бўлса, қуйидаги салбий оқибатларга олиб келишни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: оқава сувларнинг кўпайиши ва ифлосланиш даражаси ортиши, ҳавонинг ифлосланиши, кўчаларда автомобиль тирбандлиги ортиши, шовқин даражасини ортиши ва бошқалар. КСЗлар шаҳар четида ёки туман худудида жойлашган бўлса, юқоридаги салбий оқибатлар, маълум даражада юмшатилиши мумкин. Шаҳар четида ва туман худудларида кимё, қурилиш материаллари ва айрим озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқа транспортabelle бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

КСЗларни таркиби бўйича конгломерат таркибга эга КСЗларга ажратиш мумкин, яъни унда ҳар хил саноат тармоқларига қарашли КБХТ субъектларини жойлаштириш. Масалан, Тошкент шаҳри, Сергели ва Яккасарой КСЗ таркибида текстиль, кимё, озиқ-овқат, мебель, машинасозлик ва фармацевтика саноатига тегишли кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Конгломерат саноат маҳсулотлари турини ишлаб чиқарадиган таркибдаги КСЗ ларни ташкил этишда ҳам юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатларга олиб келишнинг олдини оловчи мезонларга амал қилиш ўринли деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган ЎРҚ-537 сонли “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни гринфилд кичик саноат зоналарининг биноларини қуришда ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан илғор хорижий ускуна ва технологияларни харид қилишда кенг имкониятлар яратади.

КСЗ учун зарур ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма объектлари давлат акционерлик компаниялари “Ўзбекэнергия” ва “Ўзтрансгаз” маблағлари ва маҳаллий ҳокимият

органлари бюджети ҳисобидан қурилади. Ишлаб чиқариш бинолари қуришни қуйидаги учта вариантда амалга ошириш мумкин.

Биринчи вариант: КСЗ тўлиқ давлат мулки бўладиган бўлса, ишлаб чиқариш бинолари давлат бюджети ҳисобидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар бюджетлари) қурилади ва улар КБХТ субъектларига, ижарага берилади. Маълум шартлар бажарилгач кейинчалик хусусийлаштири-лиши мумкин.

Иккинчи вариант: зонанинг айрим ёки тўлиқ ишлаб чиқариш бинолари тузилган шартномага кўра, давлат-хусусий шериклиги асосида қурилади. Бу ҳолда зона қатнашчилари танловдан ўтгач кейин ишлаб чиқариш биноларини қуришни шартномада белгиланган улуш бўйича молиялаштиришда фаол қатнашади. Бу ерда хусусий шерикнинг улуши миқдори танловда ютиб чиқишда муҳим ўрин тутиши мумкин. Қуриладиган бинолар кейинчалик хусусийлаштирилса, КБХТ субъектлари давлат улушини фаолият юритиши давомида олинadиган фойда ҳисобидан шартномада белгиланган муддатда қоплайди. Агар КСЗ тўлиқ хусусийлаштирилса, зонанинг бошқарув дирекцияси тўлиқ ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586–592.

2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328–334.

3. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, 2, 49.

4. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140–146.

5. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42–43).

6. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40–41).

7. Хонкелдиева, К., & Муйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18–19).

8. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17–19).

9. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780–783.

10. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36–39.

11. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

12. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43–46.

13. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. *Наука сегодня: проблемы и пути решения [Текст]: материя*, 48.

14. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(01), 113–117.

15. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15–16).

16. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Improving organizational effectiveness of industrial production. *Экономика и социум*, 3, 145–147.

17. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17–18).

18. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.

19. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13–15).

20. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: материя*, 61.

DOI <https://doi.org/10.30525/978-9934-26-277-7-248>

**INFORMATION TECHNOLOGY IN EDUCATION  
AND SCIENCE OF UKRAINE**

**ІНФОРМАЦІЙНІ ТЕХНОЛОГІЇ В ОСВІТІ ТА НАУЦІ УКРАЇНИ**

**Kharchenko N. P.**

*Candidate of Legal Sciences,  
Senior Lecturer at the Department  
of Theory of State and Law  
National Academy of Internal Affairs  
Kyiv, Ukraine*

**Харченко Н. П.**

*кандидат юридичних наук,  
старший викладач кафедри теорії  
держави та прав  
Національна академія внутрішніх справ  
м. Київ, Україна*

У ХХІ сторіччі дуже важко уявити навчання чи отримання освіти без застосування інформаційних технологій. Якщо лише двадцятиріччя тому хтось міг висловити думку про те, що в Україні будуть доволі жваво застосовуватися інформаційні технології у цих сферах навряд чи хто міг повірити. Тим важче було уявити активне застосування інформаційних технологій в провідному навчальному закладі системи Міністерства внутрішніх справ України – Національній академії внутрішніх справ України.

Будь-які зміни зумовлені чималою низкою умов та причин, які постійно детермінують виникнення та розвиток тих чи інших суспільних відносин відповідно до сучасних реалій. Цей процес має перманентний характер, адже трансформації в державі, зумовленими рівнем розвиненості самої країни та як наслідку динамічного розвитку нових суспільних відносин.